

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАНОВ ВАЙДУЛЛА ИБАДУЛЛАЕВИЧ**

**ТУРҒУН ШАКЛДАГИ СЎРОҚ ГАПЛАРНИНГ  
МУЛОҚОТ МАТНИДА ҚЎЛЛАНИШИ  
(инглиз тили материалида)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Жуманов Вайдулла Ибадуллаевич**

Турғун шаклдаги сўроқ гапларнинг мулоқот матнида қўлланиши (инглиз  
тили материалида) ..... 3

**Жуманов Вайдулла Ибадуллаевич**

Функционирование вопросительных предложений с стереотипной формой в  
коммуникативном тексте (на материале английского языка).....29

**Jumanov Vaydulla Ibadullaevich**

The functioning of interrogative sentences with a stereotype structure in the  
communicative text (based on the material of the English language) ..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 61

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАНОВ ВАЙДУЛЛА ИБАДУЛЛАЕВИЧ**

**ТУРҒУН ШАКЛДАГИ СЎРОҚ ГАПЛАРНИНГ  
МУЛОҚОТ МАТНИДА ҚЎЛЛАНИШИ  
(инглиз тили материалида)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil401 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.samdhti.uz](http://www.samdhti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Сафаров Шаҳриёр Сафарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Саъдуллаева Нилуфар Азимовна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: [info@samdhti.uz](mailto:info@samdhti.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.М. Тухтасинов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, педагогика  
фанлари доктори, профессор

**Ш.С. Ашуров**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, филология  
фанлари номзоди, доцент

**Н.З. Насруллаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари,  
филология фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослиги тилнинг инсон ижтимоий фаолиятида тутган ўрнини аниқлаш, унинг коммуникатив моҳиятини ҳамда антропоцентрик хусусиятларини тадқиқ қилиш йўлидан бормоқда. Шу жумладан, замонавий тилшуносликнинг муҳим йўналишларидан бўлган прагмалингвистика нутқий фаолиятнинг кечишини таъминловчи қонуниятлар ва тамойилларни аниқлаш ҳамда лисоний ҳодисаларнинг мулоқот шароитларида воқеланиши билан боғлиқ хусусиятларини белгилашнинг ўта долзарблигини эътироф этмоқда. Бу, бир томондан, тил тизими ва унинг асосий бирлиги бўлган гап ҳодисасининг коммуникатив – прагматик хусусиятлари таҳлилига алоҳида эътибор қаратилиши билан белгиланса, иккинчи томондан, сўроқ шаклидаги гапларнинг прагматик мақоми масаласи ҳозиргача етарлича тавсифланмаганлиги билан изоҳланмоқда.

Ҳозирги замон дунё тилшунослигида шаклан турғунлашган сўроқ тузилмаларнинг коммуникатив-прагматик имкониятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, инглиз тилининг турли функционал услубларига оид матнларда жуда кенг тарқалган ушбу тузилмаларнинг табиатини анъанавий ёндашувлар асосида ёритиш қийин вазифа эканлиги аён. Бундан ташқари, прагматик синтаксиснинг синтактик турғунлашув, прагматик кўчиш, вариантлашув, кўпмаънолилик каби қатор муаммолари муҳокамаси бевосита турғун таркибли сўроқ гапларнинг мулоқот муҳитидаги фаоллашуви билан боғлиқ. Шу турдаги гапларнинг структур-семантик ҳамда коммуникатив- прагматик хусусиятлари тадқиқи, сўзсиз, синтаксис сатҳида шакл ва мазмун муносабатини аниқлаштиришга, гап лисоний мақомини унинг нутқий мулоқот муҳитида воқеланадиган мазмун доирасига нисбатан белгилашга ва ниҳоят, ушбу тузилмаларнинг коммуникация жараёнида бажарадиган вазифалари кўламини чегаралашга имкон яратади.

Мустақиллик миллий тилшуносликни жаҳондаги илғор мезонлар асосида ривожлантириш учун зарур бўлган барча шароитларни яратиши билан бирга, ушбу мезонларга кўп асрлик миллий дунёқарашимиздан келиб чиқиб муносабат билдириш масъулиятини ҳам юклайди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёни, халқ хўжалиги турфа жабҳаларидаги ташқи муносабатларнинг тезкор ривожига мамлакатда кадрлар тайёрлаш билан бевосита боғлиқ фан ва таълим тизими тараққиётига йўл очиш билан бир пайтда, унинг зиммасига муҳим вазифаларни юклайди. Бугунги кунда юртимизда асосий эътибор “илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг самарали механизмларини яратиш, фан ҳамда инновация ютуқларини амалга татбиқ этиш”га<sup>1</sup> қаратилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган ислохотларни амалга ошириш йўлига ўтди. Зотан, ҳозирги замон шиддати фан соҳаларини муттасил янгича

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // «Халқ сўзи» газетаси 08.02.2017 й. 28(6722)- сон.

тафаккур, ғоя ва таҳлил тамойиллари билан бойитиш заруратини юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789 сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775 сон-“Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тил тизимининг турли сатҳларига оид бирликларнинг нутқий мулоқот муҳитларида фаоллашувини ўрганиш формал, семантик ва прагматик кўрсаткичлар муносабати ва ўзаро боғлиқлиги тадқиқини тақозо этади. Формал-синтактик тадқиқнинг предмети гап тузилиши бўлса, синтактик семантика асосий эътиборни гапда ифодаланаётган маънонинг таркиб топиши ва ушбу маънонинг воқеликдаги предмет- ҳодисалар билан муносабатини аниқлашга қаратади. Синтактик прагматика, ўз навбатида, гап ҳодисасини нутқий ҳаракатларнинг маълум бўлаги ҳамда мулоқот иштирокчиларининг ўзаро муносабатини таъминловчи восита сифатида тадқиқ қилади<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Searle J.R. Speech Acts. – London: Cambridge University Press, 2012. – 171 p.; Cummings L. Pragmatics. A Multidisciplinary Prospective. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2005. – 336 p.; Сусов И.П. Лингвистическая прагматика. – Винница: 2006. – 138 с.; Богданов В. В. Семантическое и прагматическое

Гапнинг коммуникатив турлари доирасида сўроқ гаплар ўзига хос формал – синтактик тузилиши ва семантик – прагматик хусусиятлари билан алоҳида ҳудудни эгаллайди. Сўроқ гапларнинг асосий қисми маълум кўринишдаги структур моделлар негизида эркин таркиб топадиган тузилмалардир.

Тилшуносликда турғун шаклдаги сўроқ гаплар алоҳида гуруҳга ажратилиб, узоқ даврлардан буён илмий тадқиқ объекти вазифасини ўтаб келмоқда. Қатор тадқиқотларда сўроқ гапларнинг синтактик қурилиши ҳамда семантик белгилари ўрганилган<sup>3</sup>. Кейинги даврларда сўроқ гапларнинг коммуникатив жиҳатлари ва прагматик имкониятларини ёритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, прагмалингвистик йўналишдаги баъзи ишларда<sup>4</sup> сўроқ гаплар воситасида ифодаланадиган прагматик маъно турлари ҳақида дастлабки фикрлар билдирилган эди. Кейинчалик эса, сўроқ тизимидаги нутқий актлар кўламини аниқлаш мақсади кўзланган махсус тадқиқотлар узлуксиз бажарилмоқда<sup>5</sup>.

---

согласование высказываний в диалоге // Текст. Диалог глазами лингвиста. – Краснодар: Куб. гос. ун-т, 1994. – С. 9-15.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – 286 б.; Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Т.: Академнашр, 2013. – 176 б.

<sup>3</sup>Истомина Е.А. Семантическая структура вопросительно-побудительных предложений с отрицанием // Функциональные аспекты слова и предложения. – М., 1985. – С. 24-32.; Королькова И. А. Семантико-синтаксические свойства вопросительного предложения (на мат.англ. языке): Дис. ... канд. филол. наук. – М.:1980. – 179 с.; Старостина Н.В. Вариативность контекстной семантики грамматических форм вопроса и восклицания: Дис. ... канд. филол. наук. – М., 1986. – 150с.; Blum-Kulka S. Playing it safe: The role of conventionality in indirectness // Cross-cultural pragmatics: Requests and Apologies. – Norwood: Ablex, 2000. – 31-37 p.; Цурикова Л. В., Быстрых А.В. Вопрос и вопросительные структуры: форма, содержание, функции. – Воронеж: ВГУ, 2012. – 292 с.

<sup>4</sup> Вежицка А. Речевые акты // Новое и зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс. 1985.-Вып. 16.– С. 251-275.; Серль Дж. Р. Что такое речевой акт? // Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс, 1986. – Вып. XVII. – С. 151-180.; Серль Дж. Р. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс, 2002. – Вып. 2. – С.229-254.; Казанли О.А. Вторичные функции вопросительного предложения в авторской речи английского художественного текста: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Минск: 1989. – 24 с.; Вакуленко Т.А. Структурно – семантические и коммуникативно – прагматические особенности вопросительных предложений фразеологизированный структуры: Автореф.дисс... канд. филол. наук. – Киев, 1992. – 19 с; Clark Н., Lucy P. Understanding What is Meant from What is Said: a Study in Conversationally-Conveyed requests // Journal of Verbal Learning and Verbal Behaviour, 1975. – № 14. – P. 56-72.; Diller A. – M. La pragaatique des questions et des reponses. – Tucingen: Naar. 1984. – 162 p. ; Goody E. Towards a theory of questions // Questions and Politeness. –Cambridge: Cup, 1998. – P.17-43.; Wunderlich D. Methodological Remarks on Speech Act Theory // Speech Act Theory and Pragmatics. – Dordrecht: Reidel, 1980. – P. 291–312.; Байдиқова. Е.Л. Вопросительные предложения в русской разговорной речи: коммуникативно-прагматический аспект: Автореферат. дис. ... канд. филол. наук. – М. 2013.- 24с.; Князева А. А..Специфика коммуникативного поведения человека в ситуациях флирта: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тверь: 2018. – 24 с.; Скородумова Е.А. Коммуникативно-прагматические особенности риторических вопросов-реакций: Дис. ... канд. филол. наук. – Челябинск: 2010. – 177 с.

<sup>5</sup> Почепцов О.Г. Семантика и прагматика вопросительного предложения : Дис. ... канд. филол. наук.– Киев. 1979. – 178 с.; Саидова М.С. Коммуникативная функция вопросительного предложения в современном английском языке: Дис. ... канд. филол. наук. –Т.: 1987. – 189с.; Ярушкина Т.С. Побудительная функция структурно-вопросительных предложений (на мат. нем. яз). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Д., 1986. – 16 с.; Хайназарова.М. Сўроқ гапларда шакл ва мазмун номувофиклиги: Филол. фанлари номзоди. ... дис. афтореф. – Тошкент:1999. – 24 б.; Қосимова Н.Ф. Лисоний белги асимметрияси ва унинг сўроқ гап таржимасида воқеланиши. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори дисс...автореферати. – Т., 2018. – 49 б.; Шомаҳмудова А.Ф. Бевосита нутқий актларни мулоқот матнида воқеалаштирувчи этнопрагматик омиллар. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори. ... дисс. – Самарқанд: 2019. – 164 б.; Қурбонова М. Болаларга хос нутқий акт турларининг прагмалингвистик таҳлили // Хорижий филология. – Самарқанд: – №4 (61). 2016. – Б. 96-100.

Аммо, сўроқ гаплар тизимидаги яна бир алоҳида моделлардан ташкил топган тузилмалар мавжуд бўлиб, улар таркиб жиҳатидан нисбатан турғунлик хусусиятига эгадир. Турғун структурага эга бўлган ушбу сўроқ гаплар нафақат тузилиш модели, балки нутқий мулоқот жараёнида бажарадиган вазифалари билан ҳам эркин таркибли сўроқ гаплардан фарқ қиладилар. Мулоқот матнларида кенг миқёсда қўлланиладиган ушбу турдаги сўроқ гапларнинг прагматик таҳлилига эҳтиёж кучайиб бормоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Қарши давлат университетининг илмий тадқиқот ишларига мувофиқ №ОТ-Ф8-002-2011 “Тилшунослик ва лингводидактиканинг коммуникатив аспекти” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сўроқ гапларни алоҳида гуруҳларга ажратиб, уларнинг матн таркибида маълум вазиятларда қўлланишида намоён бўладиган прагматик ва коммуникатив хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

нутқий тузилмалар коммуникатив мажмуасида сўроқ гапларнинг мавқесини аниқлаштириш ҳамда уларнинг тузилиши ва мазмун–мундарижасини ёритишнинг назарий асосини очиб бериш;

шаклан турғунлашган сўроқ гапларнинг деривацион белгиларига нисбатан тизимлаштириш ва уларнинг структур қолипларини ажратиш;

ушбу гуруҳдаги нутқий тузилмаларнинг мулоқот матнида фаоллашуви шароитида бажариладиган прагматик вазифалар кўламини чегаралаш;

мазкур туркумдаги тузилмаларнинг моҳиятини коммуникатив синтаксис нуқтаи–назаридан фаоллашувини таъминловчи лисоний ва нолисоний омиллар қаторини аниқлаш;

ажратиб олинган структур тузилмаларнинг алоҳида матн парчаларида юзага келадиган прагматик муқобиллашуви ва кўпмаъноликни намоён қилиши мойиллигини далиллаш.

**Тадқиқотнинг объектини** инглиз тили мулоқот тизимида кенг қўлланишда бўлган ва асосан, буйруқ ҳукмидаги турғун кўринишдаги синтактик қолиплар асосида ясаладиган сўроқ гаплар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предметини** турғун таркибга эга бўлган сўроқ гапларнинг коммуникатив–функционал талқини ва уларнинг прагматик моҳиятини воқелантирувчи омиллар таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифлаш, моделлаштириш, трансформация, прагматик таҳлил ҳамда контекстуал таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бевосита ва билвосита кечадиган мулоқот вазиятларида фаоллашадиган нутқий тузилмалар мажмуасида сўроқ гапларнинг бажарадиган шахслараро муносабатлар, сўзловчи нуқтаи-назарини ифодалаш каби коммуникатив вазифаси ва адресант, реципиент кабиларнинг коммуникатив мақоми аниқланган;



турғун шаклдаги сўроқ гаплар алоҳида туркум сифатида гуруҳланиб, уларнинг прагматик мазмун ва синтактик шакл уйғунлигини таъминловчи грамматик ҳамда лексик-фразеологик хусусиятлари ажралмас яхлитликни ташкил қилиши исботланиб, шу туркумдаги тузилмаларнинг синтактик деривация қонуниятлари асосида шаклланадиган структур-семантик тузилиши ва мулоқот вазиятида намоён бўладиган коммуникатив–прагматик хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги далилланган;

турғун шаклдаги сўроқ гапларнинг турли мулоқот шароитида намоён бўладиган семантик вариантлашуви, прагматик маъно ифодасига мўлжалланган имкониятлари кўлами ва матн доирасида юзага келадиган прагматик кўпмаънолилик меъёрларини аниқлашнинг лингвокогнитив усуллари ишлаб чиқилган;

мазкур шаклдаги гапларнинг мулоқот матнида турли мазмундаги нутқий актларни воқелантиришга мўлжалланган лексик-грамматик ҳамда услубий имкониятлари аниқланиб, уларнинг маълум контекстларда фаоллашувига таъсир кўрсатадиган лексик-синтактик ҳамда услубга хос лисоний ва гендер, ёш, ижтимоий мақом каби нолисоний омиллар қатори белгиланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

турғун таркибга эга сўроқ гапларнинг коммуникатив-прагматик хусусиятлари инглиз тили мисолида очиқ берилган ва уларнинг матнда фаоллашуви билан боғлиқ жиҳатлари ёритилган;

олиб борилган тадқиқот натижалари асосида сўроқ шаклдаги нутқий формулаларнинг гуруҳлари тузилиб, улардан амалиётда фойдаланишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган;

мулоқот жараёнида турғун структурали тузилмалар воситасида шаклланадиган нутқий актлар танловининг ҳурмат категорияси тамойилларига тобе ҳолда амалга оширилиши ҳақидаги маълумотлар инглиз тили таълимини оптималлаштиришга хизмат қилишини таъминловчи дидактик тавсиялар таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган ёндашув ва таҳлил усулларининг замонавий лингвистик назарияларга мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқ материалининг ишончли манбалардан олинганлиги, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, хулосаларнинг қатъийлиги, таклиф ва тавсифларнинг амалиётда жорий қилингани, олинган натижалар жорийланишининг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, аввало, гап назарияси ва прагматик синтаксис муаммоларининг тадқиқ этилиши, хусусан, сўроқ гапларнинг инглиз тили синтактик тизимидаги мақоми ҳамда коммуникатив мавқейини аниқлашга қўшадиган ҳиссаси билан белгиланади, шунингдек, тадқиқотнинг назарий хулосалари нутқий мулоқот матнида фаоллашувчи лисоний бирликларнинг прагматик ва синтактик муносабатлари табиатини янада ойдинлаштириш имконини беради ҳамда нутқий мулоқот назариясини бойитишга хизмат қилади

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инглиз тили назарий ва амалий грамматикаси фанларини ўқитиш амалиётига, “Прагмалингвистика”, “Коммуникатив тилшунослик” соҳалари бўйича махсус курсларни ташкил қилишда жорий этиш тавсия қилинади ва ушбу тадқиқот материалдан малакавий битирув ишлари, магистрлик диссертацияларини ёзишда, инглиз тили диалогик нутқ кўникмаларини шакллантириш мақсадида тузиладиган қўлланмалар, луғат кўрсаткичларини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Турғун структурали сўроқ тузилмаларининг табиатини ўрганиш ва уларнинг нутқий мулоқот матнида фаоллашуви билан боғлиқ ҳодисалар таҳлили асосида:

сўроқ гапларнинг семантик-структур ҳамда барқарорлик даражасини белгилаш, прагматик мазмунни фаоллаштирувчи белгилар таҳлили бўйича эришилган хулосалардан ОТ-Ф8-002– “Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4231-сон маълумотномаси). Натижада, нутқий тузилмалар таркибида намоён бўладиган инсонлараро муносабатларнинг ижтимоий ва коммуникатив жиҳатларини тадқиқ этиш тамойилларини аниқлашга эришилган;

одоб нутқий актларига оид таҳлили асосида олинган илмий хулосалардан ОТ-Ф8-211 рақамли “XX аср Ўзбекистон маданияти тарихи” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4231-сон маълумотномаси). Натижада, лисоний мулоқот маданиятини шакллантиришни хурмат категорияси тамойилларига тобе ҳолда амалга оширилиши ҳақидаги маълумотлар заҳираси бойитилган;

сўроқ гаплар моделларининг дискурда воқеланишини таъминловчи прагматик омиллар таҳлили натижалари И-204-4-5 рақамли “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4231-сон маълумотномаси). Натижада, фразеологик белгига эга бўлган сўроқ гаплар коммуникатив гуруҳларга ажратилиб, уларнинг шакл-мазмуни, барқарорлик даражасини белгилаш бўйича тавсиялар яратилган ва ушбу тавсиялар хорижий тил таълим йўналишлари учун виртуал ресурслар яратиш амалиётини осонлаштирган;

тузилмаларнинг структур-семантик ва коммуникатив-прагматик хусусиятларини аниқлашда ўтказилган таҳлил натижалари бўйича хулосалар “5120100- Филология ва тилларни ўқитиш”, “5111400- Хорижий тил ва адабиёти”, мутахассисликларининг малака талабларига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4231-сон маълумотномаси). Натижада, “Назарий грамматика ва фонетика”, “Қиёсий тилшунослик”, “Лингвистик таҳлил методлари” каби фанларни ўқитишнинг

сифати ва самарадорлигини ошириш, ушбу фанлар бўйича ўқув материалларини такомиллаштиришга эришилган;

сўроқ гаплар контекстида қўлланган тил бирликларининг тил тизими ва нутқ одоби меъёрларига оид илмий хулосалардан Қашқадарё вилояти радиосининг 2020 йил 4-5 сентябрдаги “Файзли кун” эшиттиришининг сценарийсини тузишда фойдаланилган (Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 8 сентябрдаги 688-сон маълумотномаси). Натижада, кўрсатувнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва янги манбалар билан бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур диссертация натижалари 10, шу жумладан, 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 7 таси республика журналларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 139 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш.** Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сўроқ гапларнинг нутқий тузилмалар коммуникатив туркумидаги ўрни”** деб номланган биринчи бобида гап ҳодисасининг моҳияти, унинг коммуникатив бирлик сифатида ажратилиши ҳамда сўроқ шаклида гапларнинг нутқ тизимидаги ўрни ва мулоқот матнида бажарадиган вазифаси билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинган.

Гап тилнинг коммуникатив бирлиги сифатида, энг аввало, сўзловчи томонидан маълум мақсад билан айтиладиган ахборотни ифодалай олиши билан тавсифланади. Коммуникациянинг аниқ мақсадлари хилма – хилдир, бироқ, бундай турли-туманликдан қатъи назар улар учта умумий категорияга, яъни хабар, сўроқ, буйруқ маъносини англатадиган дарак, сўроқ ва буйруқ гапларга бўлинадилар. Анъанавий учлик таснифи турли тамойилларга асосланиб бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Зеро, дарак ва сўроқ гаплар

функционал кўрсаткичига нисбатан ажратилса, буйруқ эса соф функционал хусусият бўлмасдан, балки истак модал маъносига ҳам тегишлидир.

Ажратилаётган уч функционал турга кирувчи гапларнинг фарқи коммуникатив мақсад фаоллашувида намоён бўладиган суҳбатдошлар муносабатида ўз аксини топади. Сўзловчи дарак гапи воситасида маълум ҳодисалар ўртасидаги муносабатларни таъкидлайди. Демак, ушбу гапнинг коммуникатив мақсади суҳбатдош тамонидан узатилган ахборотни қабул қилишга йўналтирилган. Тингловчининг хатти-ҳаракатлари гап грамматик маъноси билан боғлиқ бўлмасдан, балки нутқ вазияти, гапнинг аниқ мазмунига тобедир. Буйруқ семантикаси ҳам бирор - бир ҳодиса, факт таъкидини инкор қилмайди. Лекин, талаб қилинаётган жавоб ҳаракати, кўпинча, мажбурийдир, чунки ушбу ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги олдиндан режалаштирилади, унинг ижросига розилик (норозиликни) билдиришни сўрайди. Сўроқ гапларнинг грамматик маъноси эса суҳбатдошдан дарак гап шаклидаги ёки паралингвистик элементлар воситасидаги жавобни кутади. Инглиз тили мутахассислари сўроқ гапларнинг асосий кўрсаткичлари сўроқ синтаксиси, графика ва интонация эканлигини қайд этиб келишмоқда<sup>6</sup>. Лекин, қарийиб XVII - асрнинг охиригача сўроқ ва ундов белгилари тўлиқ қабул қилинмаган бўлганлигини ва ҳозиргача уларнинг қўлланишида вариантлашув ҳолатлари учраб туришини унутмаслигимиз лозим. Шунинг билан биргаликда, сўроқ белгисининг йўқлиги гапнинг коммуникатив мазмунини англаш учун ҳар доим ҳам тўсиқ бўлавермайди.

М.Я.Блох дарак, сўроқ ва буйруқ гапларни асосий коммуникатив турдаги гаплар деб ҳисоблаб, улар қаторига аралаш коммуникатив мақсадни кўзловчи оралиқ коммуникатив турдаги қуйидаги гапларни ҳам киритади: дарак-сўроқ; сўроқ-дарак; дарак-буйруқ; буйруқ-дарак; сўроқ-буйруқ; буйруқ - сўроқ гаплар<sup>7</sup>.

Ю.А.Егорова ҳам, судья ва гувоҳ ўртасидаги диалогик мулоқот матнини ўрганаётиб, унинг таркибида ифодаланаётган коммуникатив мақсадни кўзловчи оралиқ коммуникатив турдаги гапларни ажратади: сўроқ-буйруқ; буйруқ-сўроқ; дарак-буйруқ<sup>8</sup>. Масалага бундай ёндашув дарак, сўроқ ва буйруқ гаплар ўртасидаги чегаранинг ҳаракатчанлигини очиб беради ва маълум даражада гапларнинг нутқда актуаллашиб, ўзининг бевосита туб вазифасини йўқотиб, ўзига хос бўлмаган вазифаларда қўлланилиш ҳолатларини тушунишга ёрдам беради.

Содда гапларнинг тўртта мустақил тури ажратиладиган тасниф моҳияти жиҳатидан функционал хусусиятли эмас. Улар кўпроқ структуравий жиҳатдан фарқланадилар. Шунинг учун ҳам баъзи бир турдаги гаплар коммуникатив мавқеига мос бўлмаган мазмунни ифодалашига ҳайрон қолиш

<sup>6</sup> Quirk R., Greenbaum S., Leech G., Svartvik J. A University Grammar of English. – Moscow: Vyssaja Skola, 1982.- 391 p.

<sup>7</sup> Блох М.Я. Теоретическая грамматика английского языка. – М.: Высшая школа, 2007. – С. 108-112.

<sup>8</sup> Егорова Ю.А. Прагмастилистический аспект коммуникативного контакта: Автореф дис. ... канд. филол. наук. – Тула: 2002. – С. 10-13.

керәк эмәс. Хусусан, дарак гаплар ўзига хос интонация орқали саволни ифодалашы һәм мумкин: You will come here tonight. You will come here tonight? Ўқитувчининг ўқувчига буйруғи: There's little chalk left- Bring some more chalk ва һоказо.

Сўроқ гаплар таклифни: “Why don't you drink your tea? It's getting cold,” said Zametov. “What! Tea? Oh, yes....”[<http://www.planetpdf.com/>]; маслаһатни: Why don't you get a little sleep?[ <http://a4esl.com/temporary/tatoeba/patterns>] → I advise you to get a little sleep; таһнани: “And why don't you work, why aren't you at your duty, if you are in the service?”[ <http://www.planetpdf.com/>] ва бошқаларни ифодалашы һәм мумкин.

Сўроқ гапнинг функционал ўзгарувчанлиги сўроқ формаларининг бирламчи ва иккиламчи маъноларини фарқлаш заруриятини туғдиради ва шунга биноан, коммуникатив - прагматик планда - бирламчи ва иккиламчи вазиғалар воқеланиши кузатилади.

Бирламчи функция семиотик аһамиятга эға ва у нарса-һодисаларнинг реал боғланишларини акс эттиради һәмда контекстга боғлиқ бўлмаған һолда намоён бўлади. Иккиламчи функциялар контекст таһсири остида пайдо бўлади. Улар коммуникатив ёки грамматик маъноларнинг кўчиши асосида юзага келадилар ва маълум лексик - грамматик муһитда намоён бўладилар<sup>9</sup>.

Сўроқ гапларнинг иккиламчи маъноларда қўлланишини, яһни бошқа коммуникатив турларга хос функцияларнинг ифодаланишини кўпгина тилшунослар һар хил коммуникатив турдаги гапларда умумий сема борлиги натижасида содир бўладиган һодиса сифатида қарайдилар.

Ушбу ишда сўроқ гапларнинг алоһида гуруһини, яһни (барқарорлашған) турғун структурали тузилмаларнинг коммуникатив вазиға бажариш һәмда прагматик мазмун ифодалаш имкониятларини тадқиқ этиш мақсади кўзланди.

Инглиз тили сўроқ гапларининг структур тузилишидаги ўзгармаслик (турғунлик) даражасы турличадир. Ёпиқ турғун шаклдаги сўроқ гаплар - мақол, матал, клишелар юқори даражадаги турғунликка эға. Маълум қолип асосида тузилған ёпиқ бўлмаған турғун таркибли сўроқ гапларнинг қўлланиши һозирги замон инглиз тилида чекланмаған. Ушбу гапларнинг қолип асосида қайта һосил қилиниш даражасы ёпиқ ва ёпиқ бўлмаған турғун структурали сўроқ гапларни фарқлаш мезони бўлиб һизмат қилади.

Тузилиши тўлиқ барқарорлашған ёпиқ таркибли сўроқ гаплар матнда шакл ва мазмун жиһатидан бутунлай тугал бирликлар сифатида намоён бўлади. Улар маталлар, мақоллар ва бошқа турғун иборалар бўлиб, улардан ўзига хос һолатларда коммуникация қатнашчилари фойдаланадилар:

Can I fill your glass again?

Can a duck swim? [ODIE, p. 90].

Очиқ таркибли турғун структурага эға бўлған сўроқ гапларнинг куйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

---

<sup>9</sup> Тикеев Д.С. Исследования по синтаксису простого предложения современного башкирского языка. Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – Уфа: 1999. – С. 14.

- ўз категориал ёки лексик маъносини тўлиқ ёки қисман йўқотган таянч компонентнинг мавжудлиги;

- қатъий ўрнатилган сўзлар тартиби;

- кенг миқёсдаги лексик қуршов;

- тайёр ҳолдаги бирликлар сифатида нутқда қўлланиши.

Турғун таркибли сўроқ гаплардан тайёр восита сифатида фойдаланиш тилнинг ўзига хос функционал услубларидан бўлган сўзлашув нутқининг характерли белгиларидан биридир. Зотан, бевосита мулоқот шароитида вариант шакллари танлаш имконияти бирмунча чекланади ва шу боис, сўзлашувчилар томонидан ишлатиладиган тузилмалар аввалдан танланмай, балки тил воситаларининг бой хазинасидан бевосита тайёр ҳолда олиниши табиийдир.

Турғун структурали гапларни ташкил қилишда ҳал қилувчи ролни бажарадиган ва қайта маъно ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлган лексик бўлақлар тўплами гапнинг структур турғунлашув белгиси сифатида қаралади. Бундай гапларнинг турғунлик асоси бир нечта компонентлардан иборат бўлиши мумкин: олмошли турғун шаклдаги гапларда - сўроқ олмоши, равиш ва шахс олмоши (от, сифат)нинг ёрдамчи ёки модал феъл билан бириккан ҳолда қўлланиши; олмошсиз гапларда эса ёрдамчи ёки модал феълнинг шахс олмоши ва тўла маъноли феъл билан бириккан ҳолда келиши мумкин.

Масалан:

What do / would / you say to + N/Ger...?

What would you say to a cup of tea?

Would /wouldn't/ you like/ care, have.../+N/Inf/Ger...?

Would you like something to drink, ease your throat a little? You sound hoarse. Coffee? [J.Hoffenberg- , 132].

Гап прагматикасини ўрганиш тилга оид билимнинг муҳим қисмини ташкил этади. Зеро, тил ўрганиш фақат гап тузиш кўникмасини эгаллаш билан чегараланмасдан, балки керакли коммуникатив мақсадга эришиш учун гапларни нутқий актларда тўғри ишлатишни билишни ҳам тақозо этади. Агар гапларни тузилиши жиҳатидан таърифлашнинг мақсади уларнинг ҳосил бўлиш механизмини ёритиш бўлса, коммуникатив-функционал ёндашувли таърифда эса сўзловчининг коммуникатив салоҳиятини ажралмас қисми бўлган гапнинг матнида фаоллашуви билан боғлиқ қонуниятлар ўз аксини топади. Бундан ташқари, ушбу ёндашувнинг мақсади прагматик моҳиятли структуралар ҳамда гапларнинг семантик хусусиятларини аниқлашдан иборатдир<sup>10</sup>.

Маълумки, нутқий мулоқотнинг минимал бирлиги сифатида нутқий акт тан олинади. Нутқий акт тил бирликлари ёрдамида нутқ яратиш жараёнида мақсадли ҳаракатларни амалга ошириш воситасидир.

Нутқий акт мураккаб кўп қиррали ҳодиса бўлиб, уни фақат иллокутив тузилмаси асосида ўрганиш бирмунча чекланганлиги кўринадиди. Зеро, бундай

<sup>10</sup> Почепцов Г.Г. Теория коммуникации. – М.: Рефл-бук; К.: Ваклер, 2001. – С. 269.

ёндашув етарлича чуқур мазмунли ва кенг қамровли, инсон тили тизими қандай табиий бўлса, шундай ўзига хос семиотик тизимнинг фаоллашувига тегишли бўлган умумлашма ва хулосаларни бера олмайди<sup>11</sup>. Сўзловчининг иллокутив нияти ва ифодаланган психологик ҳолат билан чегараланадиган нутқий актларнинг кўрсаткичларидан ташқари, улар типологиясининг бошқа мезонлари ҳам мавжуд. Масалан, нутқий актнинг иллокутив функцияси гапнинг структур - семантик хусусиятига мос ёки мос эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, бевосита ва билвосита нутқий актлар ажратилади; қўлланиш жиҳатдан турига биноан нутқий актлар ёзма ва оғзаки бўлиши мумкин; нутқий актда тил фаолиятининг тилдан ташқари амалий фаолият билан боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда анъанавий ва ноанъанавий бўлган нутқий актлар фарқланади.

Олимлар томонидан келтирилган нутқий актлар таснифидан кўриниб турибдики, баъзи муаллифлар сўроқ гапларни директив синфнинг бир тури деб ҳисоблайди (Сёрль, Бах, Харниш), бошқалар эса сўроқ маъносидаги фикрларни алоҳида прагматик турга ажратиб, уларни квеситив, сўроқ, эротик нутқий актлар (Почепцов, Чахоян, Вундерлих), деб атайдилар. Бундан ташқари, сўроқ гаплар бошқа нутқий актларни амалга оширишга қатнашиши мумкин.

Кўпчилик тадқиқотларда сўроқ гапларни уларга хос бўлмаган вазифада фойдаланиш ҳолатлари билвосита нутқий акт сифатида кўриб чиқилади. Юқорида айтганимиздек турғун, структурали сўроқ гаплар тизимда алоҳида гуруҳни ташкил қилади ва уларнинг прагматик имкониятлари ҳам ўзига хосдир.

Ушбу турдаги сўроқ гапларнинг коммуникатив-семантик хусусияти сўроқ бўлмаган маъноларни ифодалашга ихтисослашишдан иборатдир. Бундай гапларнинг матндаги фаоллашувини ҳисобга олиш ва адресант мақсадлари ифода қилиниши нуқтаи назаридан ўрганилиши эса, уларни буйруқ ва бошқа мазмундаги нутқий актлар вазифаларида фаоллашуви мумкинлигини аниқлашга имкон беради.

Диссертациянинг **“Турғун шаклдаги сўроқ гапларнинг коммуникатив – прагматик хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида турғун шаклга эга бўлган сўроқ гапларнинг мулоқот муҳитида воқеланадиган маъно хусусиятлари ҳамда уларнинг диалогик нутқда намоён бўладиган коммуникатив – прагматик вазифалари кўлами таҳлил қилинган.

Нутқий актлар назарияси нуқтаи назаридан буйруқ, истак прагматик мазмуннинг ифодаланиши директив нутқий ҳаракатдан иборат бўлиб, у воқеликни ўзгартиришга йўналтирилган бўлади. Буйруқ нутқий акти контекстида қуйидаги моделларда тузилган турғун таркибдаги сўроқ гаплар фаоллашади:

Why don't +Pr+Inf...?


Why not+Inf...?

---

<sup>11</sup> Всеволодова М.В. Теория функционально-коммуникативного синтаксиса. – М.: Русский язык, 2000. – С. 257.

How /what/ about+N/Ger...?  
 What do /would/you/say to +N/Ger...?  
 What /do you /say+Pr/N+Inf...?  
 What's wrong with+N...?  
 What /how/if+Pr+Inf...?

Олмошли ва олмошсиз таркибига эга бўлган турғун шаклдаги сўроқ гапларнинг матнда фаоллашув миқдори куйидаги кўринишга эга эканлиги маълум бўлди:



**1-расм. Олмошли ва олмошсиз шаклдаги сўроқ гапларнинг фаоллашув нисбати.**

Why don't + Pr +Inf.....? модели асосида тузилган сўроқ гаплар билан ифодаланган буйруқ иллюкутив кучларининг доираси етарлича кенгдир: 1) тақдим қилиш; 2) таклиф этиш, 3) маслаҳат, 4) илтимос. Масалан:

Why don't you use that beautiful electric blanket that Aunt Louise gave you? [T. Dialogues, p. 32].

Таклиф ва маслаҳат тарзидаги нутқий актлар синкретизм хусусиятига эга эканлиги билан тавсифланади: адресант, кўпинча, қандайдир ҳаракатни таклиф этиб, бир вақтнинг ўзида маслаҳат ҳам беради: Таклиф ва маслаҳат тарзидаги нутқий актлар қоришиқ (синкретизм) хусусиятига эга эканлиги билан тавсифланади: адресант кўпинча қандайдир ҳаракатни таклиф этиб, бир вақтнинг ўзида маслаҳат ҳам беради:

Lay down your arms. Why don't you lay down your arms? [http://www.planetpdf.com/];

“What a pity. Why don't you ask him here one evening?” [B. Pym, p. 17].

Турғун шаклдаги сўроқ гаплар шаклидаги буйруқнинг коммуникатив самараси кўпинча қўшимча прагматик маънолар- хайратланиш, қаҳр-ғазаб, жаҳли чиқиш, таъна билан боғлиқдир. Why don't +Pr+Inf....? моделида тузилган турғун таркибли сўроқ гаплари ифодалайдиган маслаҳат тингловчи тавсия этилган нарсани бажармаган ҳолатларда эса, кўпинча, таъна, қаҳр-ғазаб маъно оттенкаларини ҳам олади:

Why don't you consult a lawyer? [http://a4esl.com/temporary/tatoeba/patterns].



Мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, маълум мулоқот вазиятларида ушбу моделларда тузилган гапларнинг буйруқ маъноси сийқалашиб, асл сўроқ маъноси кучайиши мумкин. Масалан:

“I shall not tell you. Why don't you cry again, you little wretch? Why don't you want any tea?” [<http://www.planetpdf.com/>].

Ушбу ҳолатда сўроқ иллокутив кучини фаоллаштирувчилар *any* олмоши ва *again* равишидир.

Шундай қилиб, *Why don't+Pr+Inf...?* моделидан тузилган турғун таркибли сўроқ гаплар баъзан буйруқ нутқий актларнинг юзага келишига ихтисослашсада, ҳар ҳолда маълум контекстларда асл сўроқ маъносини сақлаши мумкин. Эҳтимол, бу моделнинг буйруқ прагматик маъносини ифодалаш воситаси сифатида қўлланиш чегараси тўлиғича мустаҳкамланмаган.

Илтимос мазмунидаги нутқий акт контекстида қуйидагича турғун шаклдаги сўроқ гаплар ҳам учрайди:

“Why don't you dissappear for a while, go down to Laguna and soak up some sun, good food, a little feminine companionship, eh? Call me in about ten days and I'll have some word for you” [J.Hoffenberg, p.186]. Юқорида келтирилган мисолда адресатнинг жавоби унинг илтимосни бажаришга розилигини ифодалайди.

Айрим ҳолатларда *Why don't+Pr+Inf...?* модели асосида тузилган турғун шаклдаги сўроқ гаплар буйруқ тавсифидаги нутқий актларни (буйруқ, талаб, истак майлни) ифодалаш учун ҳам қўлланилади. Масалан:

*Why don't you shut up! We aren't alone here* [J. Jones, p. 122]. Юқорида келтирилган мисолда ундов белгисини етарли даражада кескин талабни ифодалаш учун қўлланганлиги фикримизнинг далилидир.

Биргаликдаги ҳаракатга таклиф *Why don't+Pr+Inf...?* модели бўйича тузилган сўроқ гаплар билан ҳам фаоллашуви мумкин, уларда ўзаро боғлиқ бўлак *you* олмоши билан ифодаланади. Бундай ҳолатларда биргаликдаги ҳаракатга таклиф иллокутив кучини ифодаловчи *to join, to help* феъллари битта нутқий занжирда *me, us* олмошлари, *together, with, along* предлоглари, *all* олмоши билан бирикиши мумкин. Масалан: *Why don't you come join us and go to the cinema?* [P. Gallico, p. 18].

*Why not+Inf...?* модели асосида тузилган сўроқ гапларни мулоқот контекстларида қўлланишининг таҳлили уларнинг маслаҳат иллокутив кучи билан ҳам фаоллашуви мумкинлигини аниқлашга имкон берди. Масалан:

*God knows it is a shame! Then why not change it? Looking gently at him again, she was surprised and saddened to see that there were tears in his eyes*[<http://www.planetpdf.com/>];

Here, an excited woman screeched from the crowd: You were one of the best patriots there. Why not say so? You were a cannoneer that day there, and you were among the first to enter the accursed fortress when it fell. [<http://www.planetpdf.com/>]. Юқорида келтирилган парчада иккита турғун шаклдаги сўроқ гаплар мавжуд. Уларнинг биринчиси сабабни аниқловчи асл сўроқни ифодалайди, иккинчиси эса Why not say so? маслаҳат нутқий актини

ифодалаб, унинг қатъиятсиз шакли адресатга буюрилаётган ҳаракатдан бош тортишга имкон беради ва бу унинг жавобидан равшан бўлади.

What /how/ about + Ger...? ва What do /would/ you say to+ Ger....? моделлар бўйича тузилган ундов турғун шаклдаги сўроқ гапларда буюрилаётган ҳаракат аниқ ифодага эга. Бундай гаплар ҳамкорликдаги ҳаракатга таклифни ифодалаши мумкин:

“Wouldn’t you like to sit down, sir. How about a cup of coffee?” [J. Hoffenberg, p.106];

“How about another bar of chocolate?” [N. Bangs, p. 73].

What /how/ about - N...? What do /would/ you say to- N....? What’s wrong with- N...? моделлари бўйича тузилган турғун шаклдаги сўроқ гапларда буюрилаётган ҳаракат имплицит равишда ифодаланган:

“What would you say to another cup of tea?” [MDCI p.139]

Бироқ, имплицит равишда билдирилаётган ҳаракатнинг характери N позициясидаги аниқ отнинг маъноси орқали англашилади. Воқеа-ҳодисалар коннотацияси ҳамроҳ бўладиган аниқ отлар мазмуни аниқ шароитларда пропозициянинг тўлақонли муқобили бўлиб хизмат қилади ва уларнинг маълум синтактик вазифаларни бажариши жараёнида адресатда ахборот танқислиги ҳиссиёти уйғотилмайди. Шундай қилиб, How about another piece of cake? Турғун шаклдаги сўроқ гапини How about having another piece of cake? кўринишида зоҳирлаш мумкин.

Could + Pr+ Inf...? модели бўйича тузилган фразеологик таркибли сўроқ гапда II шахс олмошининг ўзаро боғлиқ бўлак вазифасини бажариши ва not инкор юкламасининг киритилиши билан илтимоснинг хушмуомалалиги кучайиши мумкин. Бундай илтимос кўпроқ этикет (одоб) мазмунига эга бўлиб, инкор жавоби мумкинлигини кўрсатади ва адресат «ижтимоий қиёфа»си, мавқесига хавф-хатар солмайди, ҳамда сўзловчига рад этиш ҳолатида ҳам ўз мавқесини сақлашга қўлай имконият беради. Масалан Could you ring them? нутқий актига нисбатан Couldn’t you ring them? гапи кўпроқ этикетга оиддир.

Олмошсиз турғун структурали сўроқ гаплар инкор билан бир қаторда кўнгил қолиш, ғазабланиш, нафрат, хайратланиш, таъна, таажжуб каби кўшимча прагматик маъноларни ифодалайди. Масалан, куйида келтирилаётган гап шунчаки оддий буйруқни ифодалаш билан бир қаторда таъна, ғазабланиш каби кўшимча прагматик маъноларни ҳам англатади:

Couldn’t you keep quiet? [J. Hoffenberg, p. 108];

Couldn’t you make less noise? [<http://www.processtext.com/abclit.html>].

Do /would/ you mind /if/ +Pr+Inf/Ger...? Моделида тузилган турғун шаклдаги сўроқ гаплар ҳам рухсат тўғрисидаги илтимосни ифодалайди. Масалан:

“Would you mind if I brought somebody along with me to ride shotgun?”

I’d hate to get ripped off for the bread or the stuff.” [J. Hoffenberg, p. 33].

Турғун шаклдаги салбий-сўроқ гапларни қўллаш орқали адресат ўз таклифи ёки илтимосининг бажарилишига маълум бир ишончини ифодалайди. Ижобий-сўроқ гаплар эса бундай ишончни англатмайди.

Масалан, Will you pour out the tea? [T.Dialogues, p.99] гапини куйидаги тарзда ўзгартириш мумкин: I don't know if you pour out the tea or not.

Would /wouldn't/ you like /care/+N/Inf/Ger...? Модели бўйича тузилган турғун структурали сўроқ гаплар адресатнинг ҳаракатни бажариш хоҳиш-истаги тўғрисидаги саволни ифодалаб, таклиф иллокутив кучини ҳосил қилади:

“Wouldn't you like to sit down, sir. How about a cup of coffee?” [J. Hofferberg, p.106].

Сўроқ гаплар шаклига эга бўлган риторик гаплар номаълум ҳодиса тўғрисидаги саволни англатмасдан, аксинча, суҳбатдошга қандайдир ахборотни етказиш, уни ўзининг фикридан бохабар қилиш, уни бирор нарсага ишонтириш учун хизмат қилади. Бинобарин, риторик савол ўз мазмунида мулоҳазани, тасдиқни сақлайди<sup>12</sup>.

Маълумки, риторик сўроқ гаплар содда гаплар ва турғун таркибли эргашган кўшма гаплар шаклида ҳам ифодаланиши мумкин. Содда гап билан ифодаланган риторик сўроқ гапларнинг салбий ёки ижобий характери имплицит тарзда – унинг ички тузилишига боғлиқ ҳолда ифодаланиши билан бир қаторда, эксплицит тарзда – бевосита лексик қамровдан ҳам келиб чиқади. Хусусан, What + N + V...? Модели бўйича тузилган риторик сўроқ гаплар таркибига N элементи ўзаро боғлиқ бўлак – right, use, difference, price, business каби отлар билан, V ўзаро боғлиқ бўлак эса – кенг семантикадаги (have, make, give ва бошқа) феъллар билан ифодаланиб, инкорни ифодалашга хизмат қилади. Масалан:

What right did he have to insult her? [R. Jaffe, p.250];

Jane's best friend told us all about Jane's personal problems. What price friendship? [SDAI, p.749].

Констатив нутқий акт контекстида риторик сўроқ гапнинг фаоллашуви фақат баён қилувчига салбий ёки ижобий муносабатни ифодалаш билан чегараланмай, балки, экспрессивликни ифодалашда давом этади. “Инсон фикри доимо мантиқий идрок ва ҳиссиёт ўртасида тебранади: биз ёки тушунамиз, ёки сезамиз, бизнинг фикримиз кўпроқ бир вақтнинг ўзида мантиқий ғоя ва ҳис-туйғудан вужудга келади”<sup>13</sup>.

How /however/ can /could/-Pr-Inf? модели бўйича тузилган риторик сўроқ гаплардаги I шахс олмоши диалогик нутқда хабар қилувчи ахборотга кўпроқ ишонарли кучни кўшиш ва тингловчини ўз нуқтаи назарига оғдириш учун хизмат қилади. Бунга риторик сўроқнинг шакли сўзловчи томонидан айтилган фикр мавқеини олиши ҳисобига эришилади. Сўзловчининг фикрича, стереотип тарзидаги фикрга ҳар кимнинг ўзи, шу жумладан, тингловчи ҳам келиши керак. Масалан:

How can I serve you? [SDAI, p. 290];

“How can I be sent to the market for asking anything to eat to cancel sweet milk?” [<http://www.planetpdf.com/>].

<sup>12</sup> Кильмухаметова Е. Ю. Риторические вопросы как косвенные речевые акты // Вестн. Том. гос. пед. ун-та. Сер. Гуманитарные науки. Вып. №4. 2006. – С. 78-80.

<sup>13</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. Изд. 2. – М.: URSS, 2001. С. 285

Инглиз диалогик нутқида *What's the good /use, sense/ +Inf/Ger/N...?* модели бўйича тузилган риторик сўроқ гаплардаги салбий мулоҳаза сўзловчининг лоқайдлиги, ғазабланиши, нафрати, гапда айтилган саъй-ҳаракатининг амалга оширилиши бефойдалигини англатади: Луғавий изохларни таққосланг: *What is the point of something? Why bother with something?* [SDAI, p.720].

*What's the good /use, sense/ +Inf/Ger/N...?* Модели бўйича тузилган риторик сўроқ гаплардаги сўзловчининг мақсади адресатни қандайдир ҳаракатни амалга ошириш бефойдалигига ишонтиришга интилишдан иборат бўлиши мумкин:

“What's the good of a bat if you can't use it?” [A. Buckridge, p.124].

Ушбу мисолдаги риторик сўроқ гаплар тингловчига синонимик дарак гапларга нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатади.

*Why should/ shouldn't/+Pr/N+Inf...?* модели бўйича тузилган риторик сўроқ гаплар луғатларда ўз ифодасини топмаган, лекин, уларнинг контекстуал шароитларда қўлланишининг таҳлили улардан, одатда, адресатнинг хабарга нисбатан реакциясини ифодалаш учун фойдаланилишини аниқлашга ёрдам беради. Бошқача қилиб айтганда, муаллиф сўзловчининг ўзи бўлиб, берилаётган хабар суҳбатдош фикрига адресатнинг эътирозини, норозилигини ифодалаш учун хизмат қилади:

Samson's said, “I haven't even told my father or mother. Why should I tell you?” Samson's wife cried for the rest of the seven days of the feast [H. Bible, p. 256].

Констатив нутқий акт контекстида маълум моделларда тузилган ёпиқ фразеологик таркибли сўроқ гаплар ҳам қўлланиб, уларнинг лексик тузилиши ва структурасида ҳеч қандай ўзгаришларга йўл қўйилмайди. Бундай бирликлар, одатда, “клише”, “формулалар”, “шаблонлар”, “ўзгармас конструкциялар”, “стереотиплар”, “рекуррент иборалар” деб номланади.

Бундай тузилмаларнинг бир хил маънолиги тушунмовчиликка йўл қўймасдан, мулоқот кечишини енгиллаштиради. Мисол тариқасида қуйидаги нутқий клишеларни келтириш мумкин: *How do /should, would/ I know?/Who would have thought?/What business is it of mine?/What difference does it make?/Who cares?/ What does it matter?/ What do I care?/ How crazy can you get?/ What's the big idea?/How dare you?*

Юқоридаги ибораларнинг нутқда қўлланилишини одатдаги сўзни ёки «ибора»ни қайта қўллаш билан тенглаштириш мумкин<sup>14</sup>.

*What business is it of mine? What difference does it make? Who cares? What does it matter? What do I care?* Каби клишеланган риторик сўроқ гаплари бефарқликни ифодаловчи нутқий формулалардек хизмат қилади. Масалан:

*You will have to do better than that. Besides, what difference does that make?”* [P. Gallico, p. 132].

<sup>14</sup> Белоколицкая, С. А. Риторический вопрос в английском языке : Дис. ... канд. филол. наук : – Тула: 2005. – С. 125; Мостовая Л.А. Риторический вопрос в группе косвенных речевых актов // Вестник РУДН. Сер. Русский и иностранные языки и методика их преподавания. Вып. № 4 – 2009. – С. 43.

Сўзлашув нутқида констатив нутқий акт контекстида ёпик турғун шаклдаги сўроқ гапларнинг бошқа турлари – мақоллар ва маталлар ҳам фаоллашуви мумкин. Улар мазмунида информатив ва экспрессив-баҳолаш маънолари биргаликда қўшилган бўлиб, бу ҳолат уларга нафақат номинация, балки адресатга таъсир этиш функциясини ҳам амалга ошириш имкониятини беради.

Нутқий муносабатни ўрнатиш вазифасини бажарувчи турғун таркибли сўроқ гаплар сирасига, одатда, нутқий этикет формулалари, луғатларда қайд этилган: How do you do? How are you? How are you getting on? How's it going? How's tricks? How are you doing? How are things? How are you keeping? How's yourself? How goes it? [SDAI] саломлашишлар киради.

Саломлашишнинг у ёки бу шаклини танлаш, мулоқот ўрнатиш жараёнида унинг жинси, ёши, адресатнинг хизмат ёки ижтимоий ҳолати, коммуникантлар ўртасидаги масофа, мулоқот вазияти ва шу каби кўпгина омилларга боғлиқдир. Яқин таниш, кичик ёки тенгқур ёшдаги одамга табиий вазиятда айтиш мумкин бўлганини, унча таниш бўлмаган катта ёшдаги одамга ва расмий вазиятда қўллаш тўғри эмас <sup>15</sup>.

Кейинги мисол саломлашишнинг юқорида кўрсатилган белгиларини ҳисобга олган ҳолда, керакли шакл танловининг ижтимоий асосини далиллайди:

How are you doing?

Jane: Well, Mary, how are you getting on?

Mary: Things couldn't be better.

Sue: Hey, John! How are you getting on? What's it like with all the kids out of the house?

John: Things are great, Sue! [SDAI,312].

Sally: Hello. How do you do.

Bob: How do you do.

Mary: How do you do. So glad to meet you, Tom.

Tom: Thank you. How are you?

Mary: Just fine. Your brother tells me you like camping.

Tom: Yes. Are you a camper?

Mary: Sort of. [SDAI,312].

Кўриб турганимиздек' ёши ва ижтимоий мавқеига кўра ҳар хил бўлган адресатларга худди ўша вазиятга мос саломлашишнинг хилма-хил шакллари танланади. How are you getting on? How are you doing? How are things? How are you keeping? How are you? эркинроқ бўлган, бинобарин, алоқа ўрнатиш ва саломлашишнинг ўта хушмуомалали шакллари фарқланмайдиган клише ҳисобланади. Улар яхши таниш инсонлар мулоқотида, ёши ва ижтимоий ҳолатига қараб, эркин табиий ҳолатда қўлланилади. How goes it? How are tricks? яна ҳам эркинроқ клише ҳисобланиб, у, одатда, яқин дўстлар ўртасида қўлланилади.

---

<sup>15</sup> Самигова Х.Б. Нутқ маданиятининг риторик аспекти. – Т.: Фан ва технология, 2016.-50 б.; Шомахмудова А.Ф. Бевосита нутқий актларни мулоқот матнида воқеалаштирувчи этнопрагматик омиллар. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори. ... дисс. – Самарқанд, 2019.- 26 б.

Нутқий мулоқотда мунтазам қўллаганлиги сабабли саломлашиш шакллари семантик жиҳатдан сийқалашади ва “нутқий этикет доирасидаги эскириб қолган фикрларга” айланади<sup>16</sup> ва уларнинг қўлланишида сўзловчи суҳбатдоши ишларининг реал ҳолати тўғрисида ахборот олишни кўзда тутмайди. Шунинг учун How are you? How’s it going? How do you do? турғун шаклдаги сўроқ гаплар саломлашиш вазифасини бажариб, одатда ахборот олишга талабгор эмас, балки, юқори даражадаги ритуал нутқий актлари бўлиб, ижтимоий алоқани амалга оширишга ёрдам беради. Мабодо, ушбу нутқий актлар қандайдир даражада ахборотни талаб этса ҳам, улар адресатнинг суҳбатдош билан алоқага киришишига хизмат қилишда давом этадилар. Бундай турғун шаклдаги сўроқ гаплар фақат ўзаро алоқа ўрнатишнинг фатик алоқа нутқий акти сифатида фаоллашадилар.

Суҳбатдош билан алоқа ўрнатишда, саломлашишдан ташқари, турғун шаклдаги сўроқ гаплардан адресатнинг эътиборини тортиш мақсадида ҳам фойдаланилади. Бу фатик алоқа мулоқотнинг бошлангич фазасида ўта муҳим ҳисобланиб, адресат томонидан коммуникатив муҳим бўлган ахборотни қабул қилишда эътиборсизлик тўсиғини бузиб ташлашни талаб қилади, негаки “ногаҳоний нутқ, (адресатнинг эътибори қаратилмаганда) умуман, қабул қилинмаслиги ёки қисман, бузилган тарзда қабул қилиниши мумкин”<sup>17</sup>. Адресатнинг эътиборини қаратиш ва уни хабарни қабул қилишга чорлаш мақсадида: Would you+Inf...? Would you mind+Ger...? Would you mind if + Pr+Inf...? Would you be so good as+Inf...? Can/Could + Pr + Inf...? моделларида тузилган турғун таркибли сўроқ гаплардан фойдаланилади.

Адресат диққат-эътиборини кучайтириш ва етказилаётган ахборотни фаоллаштириш каби фатик алоқа мақсадларда фойдаланилаётган турғун шаклдаги сўроқ гаплар қаторига “рефлексив” деб номланувчи саволлар ҳам киритилади. Бу турдаги саволлар сўзловчининг хотира фаолияти билан боғлиқ бўлган турғун шаклдаги сўроқ гаплардир. Масалан, унутувчанлик билан боғлиқ гаплар: Where were we? What else was there? Масалан:

Where were we? Oh, yes, we were discussing the arrangements for the party next month [MDCI, p.176].

Берилиши кутилаётган хабарга эътиборни кучайтириш мақсадида, шунингдек, What do you think? Do you know what+N+V...? моделидаги турғун структурали таркибли сўроқ гаплардан ҳам фойдаланилади. Улар адресатнинг қизиқувчанлигини кучайтириб, унинг хаёлини банд қилишга хизмат қилади. Масалан:

What do you think? I’ve been promoted. [MDCI, p.167].

Адресат томонидан нутқий алоқа ўрнатиш мақсадида ишлатилган турғун шаклдаги гаплар, одатда, коммуникатив ролларнинг ўзгаришига (яъни адресатга сўзловчи ролини бериш) олиб бормайди. Шундай турдаги сўроқ гаплардан фойдаланадиган адресат “фаол адресат” мавқеига эга бўлиб, у нутқ

<sup>16</sup> Акишина А.А., Формановская Н.И., Русский речевой этикет. Практикум вежливого речевого общения. Учебное пособие. – М.: 2009. – С. 156.

<sup>17</sup> Почепцов Г.Г. Фатическая метакоммуникация // Семантика и прагматика синтаксических единств Межвуз. Тематич. Сб. – Калинин: Изд-во Калининск ун-та, 1981. – С. 52.

жараёнини узайтиришга ҳаракат қилади. Бундай шароитда фаоллашадиган турғун таркибли сўроқ гаплар диққатни ошириш вазифасини бажариб, хабар анланганлигини кўрсатиб, нутқий алоқани қўллаб туришга чорлайди. Бу мақсадда What do you know? How about that? эмотив гапларидан ҳаммадан кўпроқ қўлланилади. Турғун структурали сўроқ гаплар суҳбатдошда нутқий ҳаракатни давом эттиришга майл ўйғотиш вазифасини ҳам бажариши мумкин. Бунга Would /Could you/ kindly/+Inf...? моделида тузилган гапларни қўллаш йўли билан эришилади, унда нутқий ҳаракатнинг давом эттирилишини фазис маъносига эга бўлган феъл бажаради: Would you kindly repeat that to me? Could you explain it ва ш.к. Масалан:

What's the matter? Fred: My wallet's gone [SDAI, p.313].

Юқорида келтирилган мисоллар гувоҳлик бераётганидек, суҳбатдошлар ўртасида нутқий алоқани ўрнатиш ҳаракати натижасига сўзловчининг фаоллиги ҳисобидан эришилади, адресатнинг эса нутқий ижодкорлик эҳтиёжи чегараланган.

Диссертациянинг **“Прагматик транспозиция ходисаси”** деб номланган учинчи бобида турғун шакли сўроқ тузилмаларининг кўпмаъноликка мойиллиги билан боғлиқ ҳолатлар ва прагматик вазифалар бажариш жараёнида юзага келадиган транспозиция намуналари тадқиқ этилган.

Ш. Балли, “транспозиция” атамасини қўллашга киришаётиб, ушбу ходисани функционал ва семантик турларга ажратишни таклиф қилган эди. Функционал транспозиция лисоний белгининг ўз семантик мундарижасини тўлиқ сақлаган ҳолда грамматик маъносини ўзгартириш йўли билан бошқа лексик категориянинг синтактик вазифасини бажаришида намоён бўлади. Иккинчи турдаги транспозиция ҳолатида эса, грамматик вазифа кўчиши билан бир қаторда мазмун ҳам ўзгаради<sup>18</sup>. Масалан:

Would you like something to drink ease your throat a little? [J.Hoffenberg, p. 132]. (ҳаракатга ундаш, таклиф);

What difference does it make? They're both the same—six of one and half a dozen of the other. [SDAI, p.610] (инкор);

Will you get a glass of water, please? [N.Bawden, p. 84] (илтимос).

Бу масаланинг прагмалингвистик нуқтаи назаридан ўрганилишида транспозиция грамматик курилмаларнинг маълум мулоқот вазиятларида кўчма ёки бошқа маънода қўлланилиши сифатида белгиланади. Албатта, бундай маъно кўчиши маълум бир коммуникатив вазифани бажаради. Нутқий тузилмаларнинг прагматик транспозицияси у ёки бу турдаги тузилмаларнинг уларга хос бўлмаган прагматик вазифа ижросига тортилишидир.

Сўроқ гапнинг тасдиқ, буйруқ нутқий актлари контекстида қўлланиши иккиламчи вазифанинг фаоллашув натижаси, деб ҳисобланади. Юқорида айтилганидек, иккиламчи вазифа семантик ва функционал транспозиция натижасидир. Иккиламчи вазифа лисоний бирлик коммуникатив қиймати (communicative value) ўзгаришига сабаб бўлади. Маъно доирасидаги

<sup>18</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. Изд. 2. – М.: URSS, 2001. – С. 131 - 132.

функционал кўчиш нутқий тузилма мазмунининг унинг таркибидаги унсулар йиғиндисидан иборат эмаслигидан дарак беради. Бундай шароитда, одатда, сўроқ гапларнинг маъно структурасидаги сўроқ семаси йўқолади. Аслан тузилмага хос бўлмаган вазифаларнинг фаоллашуви сўроқ гапларни бошқа турдаги, масалан, дарак ва буйруқ гаплари билан синонимия муносабатига киришишини таъминлайди.

Прагматик транспозициянинг бошқа турида нутқий тузилма тамоман бошқа категориал маънонинг ифода воситалари доирасига кўчади. Масалан, *It's draughty here ёки I've run out of cigarettes* каби дарак-тасдиқ шаклидаги тузилмалар мулоқот матнида буйруқ ёки илтимос иллокутив кучига эга бўлиши мумкин.

Бизнингча, нутқий мулоқот контекстида фаоллашув жараёнида гапнинг семантик структурасида турли лисоний ва нолисоний омиллар таъсирида маълум ўзгаришлар юзага келиши муқаррар. Прагматик транспозиция синтактик бирликларнинг маъно доираси кенгайишига сабаб бўладиган ҳодисадир ва шу аснода бевосита прагматик полисемия ҳодисаси билан боғлиқдир. Ушбу ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги уларнинг замирида лисоний белгининг асимметрик дуализми қонунияти туриши билан изоҳланади. С.О.Карцевский кашф этган ушбу қонуниятга биноан лисоний белги икки жиҳатининг, яъни шакл ва маънонинг “ нотурғун мувозанатига” эга ҳодиса сифатида тавсифланади<sup>19</sup>. Ифодаланмиш ва ифодаловчи ўртасидаги муносабатнинг нотекислиги лисоний белгининг икки асосий хусусиятини назарда тутди: унинг доимийлиги ва вариативлигини.

Ҳозирги пайтда асосий эътибор коммуникатив-прагматик кўпмаъноликни ҳосил қилувчи омилларни ўрганишга қаратилмоқда. Маълум бўлишича, гап структураси ва унинг прагматик мазмуни ўртасидаги муносабат ҳам асимметрик дуализм қонунига тобе ва ушбу муносабатни бир текис, деб бўлмайди. Гапнинг прагматик кўпмаънолиги унинг турли коммуникатив интенцияга эга бўлишида кўринади. Масалан:

“Beatrica, what are you doing?”– She cried in her deep voice. It was like the roll of thunder in the distant mountains. Beatrica looked at her coolly. “Eating” she answered. “Dam it, I can see you eating”.

Beatrica was sreading butter thick on the delicious hot bread, covering this with jam, and then pouring the thick cream over all. “You’ll kill yourself”, said Frank (Maugham).

Мисолдан кўринишича, сўзловчи ва адресатнинг бир-бирини тушунмаслиги ва *What are you doing?* Гапининг турлича англашинилишининг сабаби сўзловчи интенцияси ва гап структур тузилишининг мос эмаслигидадир. Шунга қарамасдан, сўроқ гапларнинг асосий гуруҳига полиинтенционаллик ёки прагматик кўпмаънолилик хос бўлиб, уларнинг бу хусусиятини алоҳида ўрганиш эътиборга лойиқдир. Масалан, *Why do/ don't you do it?* моделидаги гаплар мулоқот контекстига нисбатан маслаҳат


<sup>19</sup> Карцевский С. О. Об асимметричном дуализме лингвистического знака // История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях. - М.: Просвещение, 1965. – С. 90.



интенциясига эга бўлиш билан бир қаторда, ахборот сўраш мақсадини ҳам ифодалайди<sup>20</sup>.

Прагматик полисемиянинг юзага келиши ҳамда унинг мавқесини ҳам фақат нутқий актларнинг турли контекстларда фаоллашуви нуқтаи назардан ўрганиш керак бўлади. Турғун шаклдаги сўроқ гапларнинг полисемантик, полиинтенционаллик белгилари ҳақида фикр юритаётиб, прагматик кўпмаънолилик икки кўринишга эга бўлишини қайд этмоқчимиз. “Синхрон кўпмаънолик”, деб аталаётган ҳодиса нутқий мулоқот жараёнида бевосита фаоллашган мазмуний ҳодиса бўлиб, унда жамланган прагматик семалар бир хил мақомга эга бўладилар. Имкониятдаги кўпмаънолилик эса прагматик мазмун зохирасининг бир кўриниши бўлиб, унинг фаоллашуви фақат контекст билан боғлиқдир.

Турғун таркибли сўроқ гапларнинг прагматик транспозицияга учраши оқибатида юзага келадиган ҳолатларнинг ўзаро нисбати куйидаги кўринишга эга:



## 2-расм. Прагматик транспозиция таъсирида юзага келган ҳолатлар.

Куйидаги келтираётган мисолда очиқ турғун таркибли сўроқ гапларда илтимос (асосий) ва сўроқ иллокутив кучлари бирлашади. Ушбу нутқий актда адресат томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракатни ифодаловчи феъллар иштирок этади:

“This man, this reporter is here now and you think Paul will make a jealous scene?” Couldn't you persuade him to go? [I. Murdoch, p. 246].

Таклиф, ундов маъносидаги нутқий акт контекстидаги турғун шаклдаги сўроқ гапларга комиссив(ундов) иллокутив кучлари ҳамроҳ бўлиши эътиборлидир: Масалан:

“Wouldn't you like a drink?” [<http://www.planetpdf.com/>.]

Бу ерда таклиф иллокутив кучи очиқ кўринишда намоён бўлаяпти. Чунки сўзловчи ўз фикрини адресатнинг келажакдаги ҳаракатига қаратиб,

<sup>20</sup> Gordon G., Lakoff R. Conversational Postulates // Syntax and Semantics. V. 3. Speech Acts. – N.Y.: Academic Press, 1975. – P. 96.

айни бир пайтда адресатнинг эътиборини бажариладиган ҳаракатга тортмайди.

Риторик сўроқ гаплар етакчи бўлган хабар бериш иллокутив кучи ва унга ҳамоҳанг бўлган сўроқ ва эмотив кучлар билан бир пайтда фатик вазифани ҳам бажариши мумкин. Масалан: “What’s wrong with my good friend?” He is my good friend, he said. [<http://www.processtext.com/abclit.htm>].

Юқорида келтирилган мисолларда констатив иллокутив кучи асосий ҳисобланади. Бундай риторик сўроқ гаплар ҳис-ҳаяжонли хабарни ифода этиб, тингловчининг диққат-эътиборини фаоллаштиришга, узатилаётган ахборотни яхшироқ идрок этилишини, шу тариқа нутқий мулоқотни қўллаб – қувватлашга ҳизмат қилади.

Имкониятдаги прагматик кўпмаънолик прагматик потенциални олдиндан белгилаб, турғун шаклдаги сўроқ гапларнинг вариантлашувини таъминлайди. Бундай типдаги гапларнинг прагматик имконияти тўлиқ ва қисман бўлиши мумкин. Тўлиқ прагматик вариантлашув гапнинг реал нутқий актлар контекстида турлича иллокутив кучлар билан ишлатилиш қобилияти орқали амалга ошади <sup>21</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, What /how/ about + Ger ...? Модели асосида тузилган гапларда буюрилаётган ҳаракат эксплицит тарзда намоён бўлади, шу сабабли, бу тарздаги фикрни англаш адресатга алоҳида бир қийинчилик туғдирмайди. Масалан, қуйида келтирилаётган гапда таклиф иллокутив кучи намоён бўлади:

How about going for a walk?

What do /would/ you say to+N/Ger...? Модели асосида ҳосил бўлган сўроқ гапларнинг прагматик вариантлашуви ўзгача кечади. Бундай гаплар адресат, худди шунингдек, сўзловчи томонидан амалга ошириладиган ҳаракат доирасидаги таклифни эксплицит тарзда ифодалаши мумкин: What would you say to going to Brighton for the afternoon?

Бироқ, таклиф қилинаётган ҳаракатнинг мазмуни to have a cup of tea сўз бирикмаси орқали англашилади. Шу тариқа What would you say to a cup of tea? гапи What would you say to having a cup of tea? гапи тарзида қайта тузилиб, таклиф иллокутив кучи ифодаланиши мумкин. Ушбу маънога комиссив иллокутив кучи ҳамроҳ бўлиб, сўзловчи адресатни бир чашка чойга таклиф этишдан аввал тадорик ишларини амалга оширганлигидан дарак беради.

Иллокутив кучнинг кучайтирилишига турлича интенсификаторлар ёрдамида эришилади. Хусусан, таркибида in the world, the hell, for God’s sake, on earth ва бошқа интенсификаторлари мавжуд бўлган турғун шаклдаги сўроқ гаплар нафақат аниқ сўроқ (савол)ни ёки эмоционал тасдиқни, балким танқид, норози бўлиш, ҳайрон қолиш, маъқулламаслик каби маъноларни ҳам ифодалайди.

---

<sup>21</sup> Медведева Л.М. Потенциальная и синхронная прагматическая полисемия // Проблемы и методы современной лингвистики. – М.: Наука, 1988. – С 88.

Турғун таркибли сўроқ гапларга тўлиқ ва қисман прагматик вариантлашув хос бўлиб, бундай гапларда вариантлашув интенсивлик, эмоционаллик кесимида ҳамда тавозелик нуқтаи назаридан намоён этилиши мумкин. Ёпиқ таркибли сўроқ гапларнинг прагматик кўпмаънолик имконияти чегараланган. Бундай гаплар нутқий акт контекстларида доимий иллюкутив куч ва контекстан юксак даражада мустақиллиги билан таснифланади.

## ХУЛОСА

1. Ҳозирги замон инглиз тилидаги сўроқ гаплар мажмуасига нафақат эркин қолипли, балки маълум даражада барқарорлашган, яъни турғун шаклга эга бўлган тузилмалар ҳам киради ва бу турдаги гапларнинг грамматик, лексик–фразеологик хусусиятлари узвий бирликда, яхлит кўринишда намоён бўлади. Мазкур шаклдаги гапларда вариантлашув даражасининг барқарорлиги кузатилади.

2. Турғун шаклдаги сўроқ гаплар дискурс матнида тузилиши ва мазмуни нуқтаи назаридан тугалланган нутқий бирлик сифатида қўлланилади. Булар қаторига нутқий мулоқот жараёнида фаоллашадиган мақоллар, маталлар, “қолипли ибора”- клишеларни киритиш мумкин. Ушбу турдаги сўроқ гаплар тил тизимида идиоматик тарздаги моделлар асосида тузилади. Бунда бир қатор вазифаларда вариантликка изн берилади. Ушбу турдаги турғун шаклдаги сўроқ гапларнинг қуйидаги конструктив унсурларини кўрсатиб ўтиш мумкин: 1) гапнинг фразеологик асоси; 2) ажратилган бўлак(лар); 3) гапнинг эркин аъзолари.

3. Турғун шаклдаги сўроқ гаплар коммуникатив маъносининг ўзига хос хусусияти улар воситасида турли коммуникатив мақсадларнинг мулоқот матнида фаоллашуви ҳамда, сўроқ интенцияси билан боғлиқ бўлмаган мазмунни ифодалашида намоён бўлади.

4. Ёпиқ бўлмаган турғун шаклдаги сўроқ гапларнинг мулоқот матнларида фаоллашуви нисбатан паст даражада. Одатда, бундай гаплар контекстуал боғлиқлиги, лингвистик ва экстралингвистик омиллардан келиб чиққан ҳолда бир хил талқин этилиши билан эътиборлидир. Бу шунинг билан изоҳланадики, ушбу турдаги гапларнинг матнда фаоллашуви тил тизимида мустаҳкам ўрин эгаллаган гапнинг турғунлик асоси билан структур қолипни тўлдирувчи ва унга мазмун берувчи лексемалар ўртасида мураккаб ўзаро муносабат юзага келади.

5. Ёпиқ бўлмаган турғун шаклдаги сўроқ гаплар, улар сўроқ вазифасида доимий ишлатилишига қарамасдан, бошқа иллюкутив кучлар билан ҳамоҳанг бўлиши мумкин. Нутқий мулоқотнинг маълум шароитларида ёпиқ бўлмаган турғун шаклдаги сўроқ гаплар, одатда, сўроқ иллюкутив кучини йўқотиб, асосан кўчма (мажозий) маънода ишлатилади.

6. Таклиф, даъват, маслаҳат, илтимос, ҳудди шунингдек, саломлашишни ифодаловчи турғун шаклдаги сўроқ гаплар анъанавий равишда нутқий этикет формулалари доирасидан ўрин оладилар. Нутқий этикет стереотипларида ҳам

сухбатдошнинг фикрини, унинг қизиқишларини инобатга олишга йўналтирилган хушмуомалалик тамойили намоён бўлади. Шу боис, турғун шаклдаги сўроқ гапларни ундаш (истак, маслаҳат, таклиф, даъват, илтимос) ни ифода этиш учун қўлланишида сўзловчининг ҳурмат тамойилига амал қилиш, мулоқот жўялигини сақлаш борасида саъй – ҳаракати яққол сезилади.

7. Прагматик транспозиция синтактик бирликларнинг маъно доирасининг ўзгариши, сўроқ гапга категориал жихатдан хос бўлмаган савол шакли буйрукни ифодалашда акс топадиган маънонинг кўчишига олиб келади ва матн таркибидаги туб маъно билан ҳамжиҳатлашиб, прагматик кўп маъноликни юзага келтиради.

8. Сўроқ гаплар прагматик кўпмаънолик захирасига эга бўлганларида тўлиқ ва қисман вариантлашув имкониятига эгадирлар. Тўлиқ прагматик вариантлашув бундай гапларнинг контекстдаги реал нутқий актларида таклиф, қайд этиш, сўроқ иллокутив кучлари билан намоён бўлади. Бу типдаги гапларнинг қисман вариатлашуви интенсивлик, эмоционаллик планида, худди шунингдек, хушмуомалалик борасида ҳам кўзга ташланади.

9. Турғун шаклдаги сўроқ гапларнинг мазкур таҳлили бу тоифадаги гаплар инглиз тили нутқий амалиётида муҳим ўрин эгаллаб турганлигини исботлайди. Уларни амалий равишда нутқий мулоқот алоқасини ўрнатиш ва уни қўллаб-қувватлаш, истак, ахборот, эътиқодни ифодалаш билан боғлиқ лисоний-маданий формулалари сифатида ўргатиш коммуникатив тизимга хос кўникмаларни шакллантиришда самарали ёндашувлардан ҳисобланади.

10. Истиқболда турғун шаклдаги сўроқ гапларни янада кенгроқ тадқиқ этишда уларга хос дискурсив белгиларнинг таснифи, бундай гапларнинг структур қурилиши ҳамда прагматик хусусиятлари мутаносиблиги муаммосига алоҳида эътибор бериш лозим. Бундан ташқари, турғун шаклдаги сўроқ гапларнинг тузилиши, семантикаси ва прагматикасини диахрон ҳамда тиллараро қиёсий планларда ўрганиш қизиқарлидир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**  

---

**КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЖУМАНОВ ВАЙДУЛЛА ИБАДУЛЛАЕВИЧ**

**ФУНКЦИОНИРОВАНИЕ ВОПРОСИТЕЛЬНЫХ ПРЕДЛОЖЕНИЙ С  
СТЕРЕОТИПНОЙ СТРУКТУРОЙ В КОММУНИКАТИВНОМ ТЕКСТЕ  
(на материале английского языка)**

**10.00.04 – Язык и литература народов Европы, Америки и Австралии**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером B2018.1.PhD/Fil401 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета [www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:** **Сафаров Шахриёр Сафарович**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Жўраева Малохат Мухаммадовна**  
доктор филологических наук, доцент

**Саъдуллаева Нилуфар Азимовна**  
доктор филологических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный университет  
узбекского языка и литературы**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 при Самаркандском государственном институте иностранных языков. Адрес: 140104, Узбекистан, Самарканд, улица Бустонсарой, д. 93. Тел: (99866) 238-29-37; факс (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного института иностранных языков (зарегистрирована под № \_\_\_\_). Адрес: 140104, Узбекистан, Самарканд, улица Бустонсарой, д. 93. Тел: (99866) 238-29-37.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г.)

**И.М. Тухтасинов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
доктор педагогических наук, профессор

**Ш.С. Ашуров**  
Учёный секретарь Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
кандидат филологических наук, доцент

**Н.З. Насруллаева**  
Заместитель председателя научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых степеней,  
доктор филологических наук, доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Мировая лингвистика идет по пути определения места языка в социальной деятельности человека, изучения его коммуникативной сущности и антропоцентрических свойств. В частности, прагмалингвистика, одно из важных направлений современной лингвистики, преследует цель выявления закономерностей и принципов использования языковых единиц как средств речевой деятельности, а также определения характеристик, связанных с возникновением языковых явлений в условиях реальной коммуникации. Актуальность данного исследования определяется теми обстоятельствами, что, с одной стороны, особое внимание уделяется анализу коммуникативно-прагматических свойств языковой системы и предложения, как ее основной единицы, а с другой стороны, вопрос о прагматическом статусе вопросительных предложений, имеющих устойчивую или фразеологическую структуру, до сих пор не решен.

В современном мировом языкознании особое внимание уделяется изучению коммуникативно-прагматических возможностей вопросительных конструкций в структурном плане. Очевидно, что описание природы этих структур, весьма распространенных в дискурсе различных функциональных стилей английского языка, на основе традиционных подходов является непростой задачей. Кроме того, обсуждение ряда проблем прагматического синтаксиса, таких как синтаксическое сращение, прагматическая миграция, вариативность, многозначность, непосредственно связано со статусом вопросительных предложений с устойчивой структурой. Изучение структурно-семантических и коммуникативно-прагматических свойств данного типа вопросительных предложений позволяет уточнить соотношение формы и содержания на синтаксическом уровне, определить языковой статус предложения и его роль в реализации содержания в рамках коммуникативного акта, и, как следствие, определить объем функций вопросительных предложений в процессе коммуникации.

Процесс интеграции Узбекистана в мировое сообщество, принцип функционирования внешних связей на фронтах национальной экономики в масштабе международных отношений, наряду с открытием пути к развитию науки и системы подготовки кадров, непосредственно связанной с подготовкой кадров в стране, возлагает важные задачи на сферы науки и образования. В нашей стране особое внимание уделяется “созданию эффективных механизмов стимулирования научно-инновационной деятельности, внедрения научно-инновационных достижений”.<sup>1</sup> В последние годы Республика Узбекистан встала на путь инновационного развития, направленного на коренное обновление всех сфер жизнедеятельности государства и общества. Как следствие, настоящее время диктует необходимость нового мышления, идей и инновации.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // «Халқ сўзи» газетаси 08.02.2017 й. 28(6722)- сон.

Данное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-2789 “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управлению и финансированию научно-исследовательских работ” от 17 февраля 2017 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-3775 “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия широкомасштабных реформах, проводимых в стране” от 5 июня 2018 года, Указом Президента Республики Узбекистан №УП-5847 “Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года”, от 8 октября 2019 года, №ПП-5117 “О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан” от 29 мая 2021 года и других нормативно-правовых документов, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: 1. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Изучение функционирования единиц, принадлежащих к разным уровням языковой системы, в условиях речевого общения требует исследования формальных, семантических и прагматических показателей и их взаимозависимости. Если предметом формально-синтаксического исследования является структура предложения, то синтаксическая семантика основное внимание уделяет определению состава значения, выраженного в предложении, и уточнению связи этого значения с предметами и явлениями действительности. Синтаксическая прагматика, в свою очередь, изучает феномен предложения как единицу речевой деятельности и как средство обеспечения взаимодействия участников коммуникации<sup>2</sup>.

В рамках коммуникативных типов предложений несколько обособлены вопросительные предложения, обладающие специфическими формально-синтаксическими и семантико-прагматическими свойствами. Основную часть вопросительного предложения составляют структуры со свободным составом, основанные на структурных моделях определенного типа.

---

<sup>2</sup> Searle J.R. *Speech Acts*. – London: Cambridge University Press, 2012. – 171 p.; Cummings L. *Pragmatics. A Multidisciplinary Prospective*. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2005. – 336 p.; Сусов И.П. *Лингвистическая прагматика*. – Винница: 2006. – 138 с.; Богданов В. В. *Семантическое и прагматическое согласование высказываний в диалоге // Текст. Диалог глазами лингвиста*. – Краснодар: Куб. гос. ун-т, 1994. — С. 9-15.; Сафаров Ш. *Прагмалингвистика*. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – 286 б.; Ҳакимов М. *Ўзбек прагмалингвистикаси асослари*. – Т: Академнашр, 2013. – 176 б.



В лингвистике вопросительные предложения устойчивой формы, обособившиеся в отдельную группу, уже давно являются объектом исследования. В ряде работ изучались синтаксические конструкции и семантические признаки вопросительных предложений<sup>3</sup>. В более поздние периоды особое внимание уделяется освещению коммуникативных аспектов вопросительных предложений и их прагматических возможностей. В частности, в некоторых работах прагмалингвистического направления<sup>4</sup> впервые были высказаны соображения о типах прагматического значения, выражаемого с помощью вопросительных предложений. Также был проведен целый ряд специальных исследований, направленных на определение объема речевых актов в вопросительной системе<sup>5</sup>.

Однако в системе вопросительных предложений есть обособленные структуры, обладающие относительной устойчивостью в структурном плане. Эти вопросительные предложения с устойчивой структурой отличаются от вопросительных предложений со свободным содержанием не только моделью структуры, но и функциями, которые они выполняют в процессе речевого взаимодействия. Как следствие, возникает необходимость в

---

<sup>3</sup> Истомина Е.А. Семантическая структура вопросительно-побудительных предложений с отрицанием // Функциональные аспекты слова и предложения. – 1985. – С. 24-32.; Королькова И. А. Семантико-синтаксические свойства вопросительного предложения (на мат.англ. языке): Дис. ... канд. филол. наук. – М.:1980. – 179 с.; Старостина Н.В. Вариативность контекстной семантики грамматических форм вопроса и восклицания: Дис. ... канд. филол. наук. – М.: 1986. – 150с.; Blum-Kulka S. Playing it safe: The role of conventionality in indirectness // Cross-cultural pragmatics: Requests and Apologies. – Norwood: Ablex, 2000. – 31-37 p.; Пурикова Л.В, Быстрых А.В. Вопрос и вопросительные структуры: форма, содержание, функции. – Воронеж: ВГУ, 2012. – 292 с.

